

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ

Долиева Дилнура Алишер кизи

Тошкент давлат техника университети,
Нефт ва газ факултети 2-босқич талабаси

Аннотация: Мақолада устувор вазифа сифатида энергияни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан жадал фойдаланиш, углеводородларнинг ўрнини босиш, янгича манбааларни топишга интилиш, синовдан ўтказиш, текшириш ва шароитдан кенг фойдаланиш ёритилган.

Калит сўзлар: Энергия, геотермал, инвестицион, қуёш панеллари, аккумулятор, автоном, тетраэдр, углерод, сульфид, бензол, эфир, [скипидар](#) ва суюқ аммиак.

Аннотация: В статье предусмотрено широкое внедрение энергосберегающих технологий в приоритетном порядке, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда. Охвачено ускоренное использование возобновляемых источников энергии, замена углеводородов, поиск новых источников, тестирование, тестирование и широкое использование условий.

Ключевые слова: Энергия, геотермальная, инвестиции, солнечные панели, батарея, автономная, тетраэдр, углерод, сероводород, бензол, эфир, скипидар и жидкий аммиак.

Abstract: The article envisages the widespread introduction of energy-saving technologies as a priority, expanding the use of renewable energy sources, increasing labor efficiency. Accelerated use of renewable energy sources, replacement of

hydrocarbons, the pursuit of new sources, testing, testing and extensive use of conditions are covered.

Keywords: Energy, geothermal, investment, solar panels, battery, autonomous, tetrahedron, carbon, sulfide, benzene, ether, turpentine and liquid ammonia.

Биламизки, қайта тикланувчи энергия манбалари – атроф-муҳитда табиий ҳолда қайта тикланувчи қуёш, шамол энергияси, ер ҳарорати (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракати, биомасса энергиясидир. Қайта тикланувчи энергия манбаларини яратиш ҳаёт заруратига айланди. Буни Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни асосида ишлаб чиқарувчиларга имтиёз ва преференциялар берилганидан ҳам билиш мумкин.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар, қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида инвестицион, илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан қуйидагича қўллаб-қувватлаш амалга оширилади:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида солиқ, божхонага оид ҳамда бошқа имтиёзлар ва преференциялар белгилаш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида инновацион технологиялар яратиш ва уларни қўллашга қўмаклашиш;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ягона электр энергетикаси тизимига кафолатли уланишини таъминлаш;

электр энергиясининг ягона харидори ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилардан электр энергиясини харид қилиш учун шартномалар тузиш ҳуқуқини бериш.

Дунё аҳолиси сони ва ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ўсиб бориши натижасида, бирламчи энергияга бўлган глобал талаб ошиб бормоқда.

Биламизки нефт ва газдан олинувчи энергия манбалари қайта тикланувчи эмас ва у бир куни тугайди. Қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг қўламда жорий қилишга асосланган иқтисодийтн модернизациялаш мамлакатларнинг ташқи энергия ресурсларига боғлиқлигини камайтиради, улардаги мавжуд нефт, газ ва кўмир каби ёқилғи ресурслари захирасининг бир қисмини тежаш имконини беради. Бу ресурсларни имкон борича тежашга ва келгуси авлодга ҳам етишини таъминлашга интилишимиз лозим. Биламизки қадимда керосин ва шамлардан фойдаланиб яшаб келинган. Олимлар излана-излана ҳозирги даврдаги каби шароитларни яратиб бера олишди. Тасаввур қилинг-а, чиндан ҳам биз яшаётган давр 21 асрда нефт ва газ каби ресурслар тугади ва муқобил энергия манбалари яратилмади ҳам дейлик, қандай яшаган бўлар эдик? Тўғри, сиз ўйлаясизки яна шамдан фойдаланамиз ёки керосин каби маҳсулотлардан фойдаланамиз деб. Аммо адашасиз! Инсон доим олдинга интилади ва ҳеч қачон эрамиздан аввалги тош даврига қайтиб қолмайди, чунки яшай олмаймиз. Олимлар албатта қайта тикланувчи энергия манбаларини топади. Биз ҳеч қачон яна шамларга ва керосинга қайтмаймиз. Сабаби шундаки, нефтнинг тугаши парафин ва керосин ишлаб чиқариш тугаши демакдир. Яқин келажакда янги қазилма бойлиги топилиши ва бутун умрга етиши мумкинлиги ёки ҳозирда мавжуд бошқа бир қазилмалардан энергия олиш мумкинлиги балким бизга ҳали маълум эмасдир. Ҳозирда устида иш олиб борилаётган, фанга янги кириши мумкин бўлган элемент ҳаётимизни ўзгартиришга қодирдир.

Энг қувонарли томони шундаки, юртимизда йилнинг 270 куни қуёшли, бу энергия ишлаб чиқариш учун яхшигина имконият деганидир. Ҳозирда қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида йўлларни ёритишда қуёш панелларидан фойдаланиш йўлга қўйилди ва бир мунча тежашларга сабаб бўлди. Қуёш батареялари — қуёш энергиясини тўғридан-тўғри электр токига айлантирадиган фотоволтаик конвертор, яъни ярим ўтказгичли қурилма бўлиб, улар махсус рамкаларга жойланиб, қуёш панелларини ҳосил қилади. Аниқроғи, қуёшдан олинган ёруғликни электр токига айлантириб,

фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилган рамкалардир. Қуёш панеллари қуёш электр станцияси деб ҳам ишлатилади. Уларнинг **2 хил варианты** мавжуд:

1. Аккумулятор билан ишлайдиган (автоном қуёш электрон станцияси, кейинги ўринларда ЭС).

Аккумулятор билан ишлайдиган ЭСларни **электроэнергия етиб бормаган ёки тез-тез узилишлар кузатиладиган** жойларга ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Чунки у захирада қуёшдан йиғган энергиясини сақлаб туради ва сутканинг исталган вақтида ундан фойдаланиш мумкин бўлади.

Унинг ишлаш тизими тахминан шундай: Сиз фойдаланаётган электр энергияси тўсатдан ўчиб қолса, аккумулятордаги захира энергия автомат тарзда тармоққа уланади (етиб келади) ва маълум соатларга етади.

2. Тармоқ электростанцияси. Унда фақат қуёш панеллари ва инверторлар бўлади. Бу станция электр тармоғи билан параллел тарзда ишлайди. Бу усулдан асосан электр энергиясини иқтисод қилиш, тежаш мақсадида фойдаланилади.

Унинг ишлаш принципи тахминан қуйидагича: Қуёш панелларидан олинган энергияни инвертор 220 ёки 380 вольтга айлантириб, куннинг ёруғ вақтида истеъмолчига тўғридан-тўғри етказиб бериши мумкин.

Ортиб қолган энергияни эса, давлат электр тармоғига узатиб, куннинг қоронғи вақтида яна ўша электр тармоғидан фойдаланиш имкони бўлади.

Ҳозирги кунда шаҳарда ва қишлоқларда йўللарни ёритишда иложи борича тежамкорликка аҳамият беришимиз фойдадан ҳоли бўлмайди. Менинг фикримча ҳали ҳеч қаерда фосфорли ёритгичлар ихтиро қилинмаган ва йўллари ёритишда фойдаланилмайди. Ўзингиз биласизки фосфор ер пўстининг масса жиҳатдан 8102% ини ташкил қилади. Фосфор фаол элемент, табиатда фосфоритлар ва апатитлар таркибида учрайди. Фосфорнинг 3 та аллотропик шакл ўзгариши: оқ, қизил ва қора фосфор маълум. Оқ фосфор P4 таркибли тетраэдр шаклдаги молекулалар ҳосил қилади. Унинг суюқланиш траси 44°, зичлиги 1,83 г/см³, қайнаш траси 281°; у сувда, спиртда оз, углерод (1У)сульфид, бензол, эфир, скипидар ва суюқ аммиакда яхши эрийди. Оқ фосфор кимёвий реакцияларга яхши киришади. 50° да ҳавода

ўз ўзидан алангланади. Қиздирилганда хатто [платина](#) билан ҳам бирикади. Жуда захарли, 0,1 грами одамни ўлдиради. Агарда яхши эътибор берган бўлсангиз 50 градус Селсийда хавода ўз ўзидан алангланади. Биз шундай тадқиқот ўтказишимиз керакки фосфорнинг таркибига таъсир ўтказиб унинг хавода эришини бартараф этадиган кимёвий элементни топишимиз керак. “Унинг мўжизавий ёруғлик ташувчиси” эканини ҳисобга олсак йўллари ёритишда ундан фойдалансак бўлади. У кундузи қуёш нурига тўйиниб кечаси йўллари ёрита олиши мумкин. Агарда бунинг устида ишласак фосфор бизнинг ва кейинги авлоднинг энергия тежамкорлигига хисси қўша олади.

Адабиётлар

<http://yaran.uz/> 10.06.2019

<http://daryo.uz/>

<https://qomus.info/>

<https://Кун.уз/> 30.05.2017

